

Набавий тавсия | Ҳадис дарслари (289-дарс)



19:00 / 05 июль 75

سَبَّصَّ لَ اُورْمَ : لَاقَ مَلَسَ وَّهَيَلَعُ هَلَلِ اِصَّيَّبَنَّ لَ اِنَعُ ، هُنَّ عُلَّ لَ اِضَرَ رَّهَبَسَ نَعُ
ي ف دَا ز . ا ه ل ع ه و ب ر ض ا ف ن ي ن س ر ش ع ل ب ا ذ ا و ، ن ي ن س غ ب س ع ل ب ا ذ ل ا ل ص ل ا ب
ي ذ م ر ت ل ا و د م ح ا و د و ا د و ب ا ه ا و ر ع ج ا ض م ل ا ي ف م ه ن ي ب ا ه و ق ر ف و ة ي ا و ر

Сабра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бола етти ёшга етганда уни намозга буюринглар. Ун ёшга етса, унинг учун уринглар», дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Ётар жойларини ажратинглар», деб зиёда қилинган.

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда ёш болаларни исломий тарбия қилишда муҳим ўрин тутган баъзи нарсалар хусусида сўз бормоқда:

1. Етти ёшга етган болаларни намоз ўқишга буюриш.

Болаларни қизиқтирадиган турли услублар билан, яхши ўрнак кўрсатиб, намозга ундаш керак бўлади. Ота-онасининг намоз ўқиётганини кўрган бола ўз-ўзидан уларга тақлид қилиб қолади. Ана шу ҳолатдан унумли фойдаланиб, болани тўғри йўлда давом этишини таъминлашга ҳаракат

қилиш керак. Етти ёшга етганда боланинг ҳар намозни ўқишини кузатиб, ўқишга амр қилиб туриш лозим.

2. Ўн ёшга етган бола намоз ўқимаса, уриш керак.

Ота-онасининг яхшилик билан қилган ундовларига ўн ёшида ҳам юрмаган бола урмаса, тўғри йўлга тушмайди. Баъзи болаларнинг табиати шундай бўлади. Улар яхши гапдан кўра дўқ-пўписа билан осон йўлга тушадилар.

3. Ўн ёшга етган болаларнинг ётар жойларини бошқа қилиб қўйиш.

Чунки мана шу даврда уларда жинсий томондан уйғониш бошланади. Алоҳида ётмасалар, беодобликка ўрганиб қолишлари мумкин.

Агар ҳар бир оила ушбу набавий тавсияга амал қилганида, орамизда бенамозлар бўлмас эди.

Ҳамма далилларни ўрганиб чиққан уламоларимиз «Намознинг вожиб – фарз бўлиши учун зарур шартлар учтадир: мусулмонлик, балоғатга етганлик ва оқиллик», дейдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.